Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 59 (10.308).

1992 йил 28 март шанба

Баҳоси 1 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

Бугун Тошкентда, Халқлар Дўстлиги саройида агросаноат мажмуи ходимларининг республика Қурултойи очилади.

ҚИШЛОҚ хўжалиги ходимлари республика Қурултойида қатнашаётган вилоятимиз вакилларидан бир гуруҳи. Пастдаги суратда: «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонини олган Қорасув ноҳиясидаги «Наврўз» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларининг раислари Боқижон Фозилов ва Рашид Каримовлар ҳамкасблари даврасида.

Суратқаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол моллари ва хизматларга чакана нархлар ошиб бораётган шароитда республика аҳолисини ва аввало унинг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 16 мартидан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, уй-жой-коммунал тармоғи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги тизими ходимларининг иш ҳақи, шу жумладан имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик товон тўловлари 1,7 баравар оширилсин.

2. 1992 йилнинг 16 мартидан олий ўқув юртлари талабаларининг, аспирантларнинг, докторантларнинг стипендиялари, кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар кўпайтирилсин, бунда имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик қўшимча тўловларнинг аввалги миқдорлари ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 16 мартидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 550 сўм қилиб белгилансин.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 700 сўм бўлишидан келиб чиқиб, пенсиялар миқдори белгилансин, бунда улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари пенсияларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасигача етказилсин.

4. 1992 йилнинг 1 апрелидан фуқароларнинг солиқ олинмайдиган, даромадларининг энг паст даражаси ойига 550 сўм миқдорида белгилансин.

5. Аҳоли даромадларининг даражасини тўғрилаб олиш мақсадида ойига 1600 сўмдан ошадиган иш ҳақидан даромад солиғи миқдорларини ошириш зарур деб ҳисоблансин. Шунга асосан Вазирлар Маҳкамаси даромад солиғининг конкрет миқдорларини аниқласин ҳамда улар солиқ тўловчиларга етказилсин.

6. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлари меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқариш (ишлар ва хизматлар)нинг ҳажмларини ошириш ҳисобига ушбу фармонда белгиланган минимумни эътиборга олган ҳолда ишловчиларнинг маошини янада кўпайтиришга доир чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон давлат банки, тегишли тижорат банклари, Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари, нафақа жамғармаси, ижтимоий таъминот вазирлиги, бюджет ҳисобидаги муассасалар ва ўқув юртларининг раҳбарлари 1992 йилнинг 1 апрелигача ушбу фармонда белгиланган пенсиялар, стипендиялар ва иш ҳақи миқдорларидан келиб чиқиб, аванс тўловларини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ушбу фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунларни мазкур фармонга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин.

10. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат банки зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 26 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РУЗА ҲАЙИТНИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва ҳоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам — Рўза Ҳайит («Ийд ал-фитр»)ни бу йил 4 апрель куни ва кейинги йилларда эса Рўза Ҳайитнинг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 27 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ПАХТА, ПИЛЛА, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ВА ПАХТА ТОЛАСИНИНГ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ёқилғининг, электр энергияси ва бошқа моддий-техника ресурсларининг нархлари анча ошганлиги муносабати билан, шунингдек бозор муносабатлари шароитида колхоз ва совхозларнинг ишлаши учун зарур иқтисодий воситаларни вужудга келтириш, маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришдан меҳнат жамоаларининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги билан Молия вазирлигининг:

— 1992 йил ҳосилидан пахтанинг харид нархларини ва пахта толасининг улгуржи нархларини 1-, 2-иловаларга мувофиқ ошириш;

— 1992 йил ҳосилидан пилланинг харид нархларини 3-иловага мувофиқ ошириш;

— 1992 йилнинг 1 апрелидан қорамолларнинг, чўчқаларнинг, қўй ва эчкиларнинг, парранда, сут ва тухумнинг харид нархларини ўрта ҳисобда 1,6 баравар ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида пахтанинг, пахта толаси, пилла ва чорвачилик маҳсулотининг янги нархларини манфаатдор вазирликлар ҳамда идораларга етказсин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси И. КАРИМОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

1-ИЛОВА

ПАХТАНИНГ ДАВЛАТ ХАРИД НАРХЛАРИ

1 тоннаси учун сўм ҳисобида

пахта толасининг типи	I	II	III	IV
ИНГИЧКА ТОЛАЛИ				
I тип	12390	10900	5600	1950
II тип	11060	10030	5600	1950
III тип	10180	9030	5600	1950
ЎРТАЧА ТОЛАЛИ				
IV тип	9820	8450	5310	1950
V тип	9170	7920	5310	1950
VI тип	7230	6520	5040	1950
VII тип	6990	6280	4870	1950

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

2-ИЛОВА

ПАХТА ТОЛАСИНИНГ УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ

1 тоннаси учун сўм ҳисобида

тола типи	пахта толасининг саноат навлари					
сара	I	II	III	IV	V	VI
ИНГИЧКА ТОЛАЛИ						
I тип	45000	43560	41820	26910	19510	12290	6900
II тип	40990	39520	38100	26910	19510	12290	6900
III тип	36130	35220	34070	26910	19510	12290	6900
ЎРТАЧА ТОЛАЛИ							
IV тип	32090	31500	30120	25520	19510	12290	6900
V тип	29230	28640	28060	24340	19510	12290	6900
VI тип	24370	23190	22370	21220	19510	12290	6900
VII тип	24050	21810	21100	20920	19510	12290	6900

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА

3-ИЛОВА

ПИЛЛАНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАСИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ХАРИД НАРХЛАРИ

1 килограмми учун сўм ҳисобида

пилла турлари ва навларининг номлари	энг юқори даражаси белгилаб қўйилган харид нархи
сара	48—00
I нав	45—00
II нав	37—40
III нав	32—20
олий элита	100—00
элита	86—00
наслдор	70—00
брак	1—00
қорапўчоқ	0—50

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

ШУ йил 25 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. И. Бугров АҚШ Давлат департаментининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ишлари бўйича бўлими бошлиғи жаноб Ларри Наппер, АҚШ Давлат секретари ўринбосарининг маъмурий масалалар бўйича ёрдамчиси жаноб Стюарт Студи ва АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Майкл Моужерни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди. АҚШ вакилларига Олий Кенгашнинг комитет ва комиссияларининг фаолияти ҳақида ахборот берилди. Уларда Ўзбекистон парламентининг ташқи иқтисодий алоқаларни, чет эл инвестицияларини мувофиқлаштириш фаолияти, шунингдек турли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг бажарилиши алоҳида қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида бундан буён алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида атрофлича фикр алмашилди.

Бир-бирини тушуниш ва ошкора руҳда ўтган суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетларининг раислари Т. А. Ешимбетова, П. Қ. Қодиров, П. Қ. Ҳабибуллаев, Э. Х. Халилов, Э. Н. Хўжаев, шунингдек АҚШ элчихонаси ходими Д. Фейн иштирок этдилар.

ЧОРВАДОР НЕГА ЗИЁНИГА ИШЛАШИ КЕРАК?

БОЗОР муносабатларн чорвадорни ҳам гоят мушкул аҳволга солиб, оёғидан чалмоқда. Агар мутасаддилар зудлик билан зарур чора-тадбирларни кўришмаса, аҳолини гўшт ва сут билан таъминлаш яна ҳам мушкуллашади. Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг чорвачилик бўйича биринчи ўринбосари Мирзамашраб КУЧЧИЕВ билан суҳбатимиз чорвачилик муаммолари хусусида бўлди.

— Бу йил қиш илиқ келди. Айтарлик совуқ кунлар бўлмади ҳисоб. Лекин шунга қарамай чорва қишлови якуни яхши бўлмаётган кўринади.

— Афсуски, шундай бўляпти. Вилоятимиз бўйича айни кунда 51 минг 227 бош, яъни ўтган йилдагидан 2 минг бош кам қорамол бор. Агарда ўтган йили икки ой давомида кунига 412 тоннадан сут соғиб олинган бўлса, бу йилнинг икки ойида кунига 375 тонна соғилди. Демак, 40—50 тонна камайди. Ҳар сигирдан соғиб олинадиган сут 600—700 граммга озайди.

— Бундан чиқдики озуқа тақчил бўлиб, қолганга ўхшайди-да.

— Асосий сабаблардан бири ҳам шу. Вилоятда 550 минг тонна дағал хашак, жамғарилганди. Шунингдек 260 минг тонна ўрнига 213 минг тонна беда пичани тайёрланганди. Бунинг устига ем ҳам етишмайди. Агар биринчи кварталда бизга қоғозда 6618 тонна аралаш озуқа ажратилган бўлса, ҳозиргача бор-йўғи 20 фоизини олдик холос. Беришмаяпти эмас, ўзи таги йўқ-да. Бугунги кунга келиб ем-хашак ҳам тақчил бўлиб турипти. Айниқса, Бўка, Қорасув, Чиноз, Тошкент ноҳиялари чорвадорлари қийналишяпти. Айрим хўжаликларда ҳозирги кунда бир сигирдан эчкининг ҳам сутини соғиб олишолмаяпти. Бир вақтлари жумҳуриятга донг таратган «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумининг аҳволига маймунлар йиғлаяпти.

— Қизиқ, қишловга тайёргарлик жараёни ва уни якунлаш пайтида ҳар бир хўжалик юқорига, унча хашак жамғардик, ўзимизда олиб қолинган дон-дун ҳисобига бунча ем қилишимиз мумкин, қишловни яхши ўтказамиз, деб ишонтиришганди. Лекин оқибати, мана кўриб турибмиз, бошқача бўлиб чиқяпти-ку.

— Бунинг бир қанча сабаблари бор. Ахир ўзингиз ўйланг, ҳозирги пайтда аҳолининг қўлидаги чорва уч ҳисса кўпайиб кетди. Хўжалик Президент фармонига биноан уларни ем-хашак билан ҳам таъминлаши керак. Баъзида шундай бўляптики, хўжалик фармонни бажараман, деб ўзининг фермасидаги моллар эҳтиёжига етиб етмайдиган ҳашакни ҳам шахсий чорва эгаларига бериб юборишга мажбур бўлмоқда. Бу бир. Иккинчидан ноҳия фонди учун ажратилган аралаш озуқанинг натагина қисми ҳам шахсий чорвага берилади. Кейин яна бир гапни айтай. Фермада ишлайдиган ҳар бир чорвадорнинг ҳам ўз уйида мол-ҳоли бор. Сиз хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, уерда меҳнат қилаётган сут соғувчи, молбоқар фермага тегишли ем-хашакдан қандайдир йўл билан олиб, шахсий чорвасини боқиши табиий ҳол.

Бозор муносабатларига ўтилганлиги билан боғлиқ бир қатор муаммолар борки, у чорвадорнинг оёғига болта бўлиб тушяпти.

— Нарх-навонинг гоятда қимматлашиб кетганлигини назарда тутяпсизми?

— Бўлмасамчи. Ҳатто сув ҳам пул бўлиб қолди. Илгари бир куб метрига 8 тийин тўланарди. Ҳозир 85 тийинга чиқди. Фермада ишлатиладиган машина-механизмлар, уларга зарур, ўша арзонроқ пайтида ҳам минг азоб билан топиладиган эҳтиёт қисмларни айтмайсизми. Хуллас, биз мутахассислар билан сарф-ҳаражатларни ҳисоблаб чиққач бошимиз қотиб қолди. Мана, қаранг, вилоят бўйича тирик вазндаги гўштнинг бир килограмм таннархи 25 сўмданга тўғри келяпти. Сутнинг таннархи эса 4 сўм атрофида. Президент солиғи йўқ бўлди, деб суюнган эдик, бошқаси чиқди. Энди сотгандан кўриладиган даромаддан 30 фоизи чегириб қолинади. Булар ҳисоблаб кўриладиган бўлса, хўжаликлар давлатга тирик вазнда топшираётган гўштнинг ҳар килограммидан 14 сўмдан, сутдан эса 2 сўм 75 тийиндан эзён кўришяпти. Тўғри, куни кеча матбуотда Вазирлар маҳкамасининг чорвачилик маҳсулотлари харид нархлари ўрта ҳисобда 1,6 баравар оширилганлиги ҳақидаги қарори эълон қилинди. Бу анча ёрдам бўлиши турган гап. Лекин барибир муаммолар кўп.

— Ҳақиқатан ҳам ғайритабиий ҳолат. Қани бу ерда эркинлик, мустақиллик, деган гапларнинг чорвадорга берадиган енгиллиги. Ҳаммаси қуруқ гап бўлиб қолаётганга ўхшайди-ку. Қайси бир фермага борманг ва чорвадорлар билан суҳбатлашманг, улар ҳозир бозор таронтига ўтилди, биз ўзимизни ўзимиз таъминлашимиз, ўзимизни ўзимиз эплашимиз керак, бўлмаса кун кўриш қийин, бу ҳақда ким ўйлайди. Агар бирон чора-тадбир кўрилмас экан, биз ҳам ўзимиз кескин чора қўллашга мажбур бўламиз. Сутни бундан буён давлатга топширмай қўямиз. Ўзимизнинг хўжалигимизда қайта ишлаш цехларини қуриб, кенгайтириб, сутни шу ерда қаймоқ, сузма ва бошқа маҳсулотларга айлантириб сотамиз дейишяпти.

— Уларнинг шундай дейишга ҳақлари ва асослари бор. Ҳозир кўп хўжаликлар бу ишни бошлаб юборишган. Ахдлари қатъий. Масалан, Тошкент ноҳиясидаги Муҳаммаджон Фозилов номли хўжалик фермасида соғиб

(Давоми 2-бетда).

• Долзарб мавзуда суҳбат

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Х. ЖУРАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КИНОКОМПАНИЯСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

Ўртоқ Жўраев Хайрулла Ўзбекистон Республикаси давлат кинокомпаниясининг раиси этиб тайинлансин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил, 25 март.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚА МИЛЛИЙ УЮШМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қоидаларига асосланиб, халқаро алоқалар кенгайганини ҳисобга олиб, хорижий мамлакатлар билан жамоатчилик алоқалари фаолиятини жамлаш ва тартибга солиш, ягона сиёсатни шакллантириш ва халқ дипломатиясини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ҳамда хориждаги ватандошлар билан алоқа «Ватан» жамиятининг шу ташкилотлар негизида Ўзбекистон Республикасининг халқаро маданий-маърифий алоқа миллий уюшмасини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Маданият, оммавий ахборот воситаларн ва саёҳат мажмуи (ўртоқ Э. Самандаров) икки ҳафталик муддатда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг халқаро маданий-маърифий алоқа миллий уюшмаси тузилмасини ҳамда низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 25 март.

• Ким Пен хваликлардан ўрганинг •

Хўжаликнинг кичик корхоналари

● ЎРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги Ким Пен ХВА номли жамоа хўжалигида хом-ашёни қайта ишловчи корхоналар, ҳар хил ширкатлар сони тобора кўпаймоқда. Кичик корхоналарда халқ истеъмоли учун зарур бўлган турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. «Ипак» ва «Эра» фирмаси шулар жумласидандир. Айни кунларда «Ипак» фирмасида 10 та хон атлас ишлаб чиқарадиган тўқув дастгоҳи ишлаб турибди. Ҳар дастгоҳ 5—6 метр хон атлас тўқимоқда. Сифати фабриканикидан қолишмайди. Қишлоқ қизларига атлас тўқиш сирларини намангланлик йўриқчи Мунира Майнюнусова ҳамда Софья Гиховна Огайлар ўргатишмоқда. Эрта-индин фирма ўзининг дастлабки маҳсулотларини савдога олиб чиқади.

СУРАТЛАРДА: «Ипак» ва «Эра» фирмаларидаги иш жараёнларидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД суратлари.

• Қурултой минбарига •

Сўз—қурултой қатнашчиларига

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИНИ КАМАЙТИРИШ КЕРАК

Тошпўлат ҲОЖИБОЕВ, Бекобод ноҳиясидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бригадири

БУНДАЙ қараганда деҳқончиликдан олаётган даромадимиз салмоқлига ўхшайди. Масалан, ўтган йили гектаридан 30 центнердан пахта ҳосили етиштирдик. 692 минг сўм ўрнига 923 минг сўм даромад қилдик. Деҳқонларнинг йил бўйи ишлаган ҳар бир сўмларига қўшимча 2 сўм 46 тийиндан ҳақ тўладик. Сабзавоткорларимиз ҳам бир сўмларига 4 сўм 11 тийиндан қўшимча пул олдилар. Лекин ҳеч кимга сир эмас, нархнаво ниҳоятда кўтарилиб кетди-ку! Шунинг учун ҳам сарф-харажатга келганда олинган бу даромадлар урвоқ бўлмай қолаяпти. Шунинг учун амалий ишга ўтиш керак. Чорасини қилиш керак. Менга қолса пахтага нисбатан давлат буюртмасини кескин камайтириш зарур. Етиштирилаётган ҳосилнинг кам деганда 70—80 фоизи хўжаликнинг тасарруфига берилса дейман. Ана шунда бу ҳосилни ўзимизда қайта ишлаб, даромадни анча ошириш имконияти туғилади. Даромад кўпайгач, қишлоқ муаммолари билан боғлиқ бўлган кўп масалаларни ҳам ўзимиз ҳал қилишимиз учун йўл очилади.

●

ХАРИД НАРХЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ЗАРУР

Йўлдош ТОЖИБОЕВ, «Олмазор» шўро хўжалиги директори

ҚУРУЛТОЙДАН умидимиз катта. Бу анжуманда қишлоқ меҳнаткашлари, деҳқонлар, чорвадорлар, боғбонлар ва соҳибкорларнинг дардлари эшитилиб, малҳами топилади деб ўйлайман. Дардлар, муаммолар эса камайиш ўрнига кўпайиб боряпти. Энг биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархи масаласини адолатли ҳал қилиш керак. Бошқа йўл йўқ. Мана ўзингиз ўйлаб мушоҳада қилинг. Ҳозирги кунда қишлоққа сотиладиган битта МТ-80 тракторининг баҳоси 232 минг сўм, Т-4 тракторининг баҳоси эса 414 минг сўмга кўтарилиб кетди. Харид нархлари эса арзимаган миқдорда оширилди, холос. Тўғри, 1 апрелдан бошлаб чорвачилик маҳсулотлари харид нархи 1,6 баробар оширилдиган бўлди, лекин бошқа қишлоқ хўжалик, боғдорчилик маҳсулотлари нархини?

Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак.

ЧОРВАДОР НЕГА ЗИЁНИГА ИШЛАШИ КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда).

олинаётган сутнинг бирон литрини ҳам давлатга топшириш-маяпти. Нархини ўзлари белгилаб фирма магазинлари орқали сотишяпти. Бундай хўжаликлар сони табиийки, кўпайиб боряпти. Ҳозир биз ҳисоблаб чиқдик. Вилоят бўйича хўжаликлар 25 тонна сутни ўзларида қайта ишлаб сотишяпти.

Лекин биз одамийликни, саховатни ҳам ўйлашимиз керак. Ўз-ўзидан савол туғилади. Хўжаликлар давлатга сут бермай қўйишса, шаҳарликлар нима қилишади. Бунинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ жуда яхши сезиляпти. Шаҳарда одамлар эрта тонгдан туриб дўконга чиқиб сут учун навбат олишяпти. Баъзан етмай қолянти. Жанжалга айланиб кетаяпти. Бу табиий ҳол албатта. Шаҳарда ҳозирча хўжаликларнинг фирма магазинлари бармоқ билан санарли. Бунинг устига маҳсулот нархи давлат дўконларидагига нисбатан анча қиммат-роқ. Ҳамманинг ҳам қурби етмайди. Ҳар хил шароитда яшаётган оилалар бор-да. Боғча, ясларни ҳам узлуксиз сут билан таъминлаш керак. Бу ҳақда ким ўйлайди.

Ана бу жуда нозик масала. Бу ҳақда пухта пишитилган режа асосида чора кўриш керак.

— Сиз масалан, қандай таклиф қилган бўларингиз? Нисбатан арзонроқ ва сифатлироқ гўшт, сут маҳсулотларини кўпайтиришнинг бирдан-бир йўли фермер хўжаликларни ташкил этишми. Умуман фермер (чорвадор) хўжалиги истиқболи ҳақида нима дея оласиз?

— Агар фермер хўжалиги қонун-қоидада кўрсатилганидек, рисоладагидек қилиб ташкил этилса, фермер чиндан ҳам чорвани биладиган ва бу тармоққа ишқи тушган, ихлос қўйган тадбиркор, ишбилармон одам бўлса, ҳеч шубҳасиз бу иш келгусида катта фойда келтиради.

— Ўзингиз айтганингиздек ҳозир фермер бўлаётганлар ҳақиқатан ҳам чорванн юритишга қобилияти бор иқтидорли одамларми?

— Афсуски, тўла маънода ҳа, деб айта олмайман. Нима десам экан. Агар таъбир жоиз бўлса, ўхшатма қилиб баъзи фермерларни айтиш мумкинки, биз назаримда умрида ёзув-чизув билан шуғулланмаган одамга сен қўлингга қалам ол, бундан буён ёзувчи бўласан, деб уларни мажбур қилмаяпганмикимиз?!

Гапнинг очиғи хўжалигининг ўзида фермер хўжалиги ташкил этишни хоҳловчилар, чин дилдан истовчилар йўқ дейсизми, топилади. Лекин улар оддий, ночор, «қурбилари» етмайдиган одамлар. Шунинг учун ҳам четдан келиб, хўжаликдан ер олиб фермер бўлаётганлар кўп. Уларни кўриб бояги «ночор»ларга алам қилади-да, кимнинг пули кўп бўлса, шу фермер бўлаётган кўринади. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин, деганларидек кимнинг бели бақувват бўлса у «ишбилармон» бўлиб оляпти. Бундай қараганда тўғри қилинаётганга, бошқа чораси ҳам йўққа ўхшайди. Чунки давлат хўжалик ташкил этгин, деб берадиган қарз иш юритишга келганда ҳечвақога етмайди, урвоқ ҳам бўлмайди. Ахир бозорда битта молнинг нархи 8—10 минг сўмга чиқиб кетган. Хўжаликлар эса тайёр, зотли молини ҳеч вақт ма, сенга деб фермерга бермайди. Табиийки, фермер ёнидан пул сарфлаб, иш кўришга мажбур. У келгусида бу пулни икки-уч ҳисса қилиб чиқариб олиб, сўнг мўмай даромад эгаси бўлишни ўйлайди ва бу мақсадга эришишга кўзи етади. Дейлик шундай йўл билан фермер хўжаликлари ташкил этилди. Шундан кейин ҳамма ерда ишлар юришиб кетади, деб ким кафолат беради? Анча ён шаклланиб, таркиб топиб, маълум бир изга, йўлга тушиб олган хўжаликларни негадир тарқатиб юборяпсизлар. Бизнингча, нотўғри иш қиляпсизлар. Улар ҳақикин дейман, назаримда.

— Эҳтимол. Тағин ким билади дейсиз. Бу ҳақда ҳар жиҳатдан мулоҳаза қилиб, кенгашиб, маслаҳатлашиб, сўнг бир қарорга келиш ва фикр айтиш мумкин. Мен ўзим ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман. Мана, ҳозир ташкил этилаётган фермер хўжаликларига бир жиҳатдан жуда катта имтиёзлар берилиб, тўғри ва адолатли иш қилиняпти. Бу имтиёзларнинг моҳияти шундаки, фермер хўжалиги ташкил этилгач, улардан икки йилгача солиқ олинмайди. Етиштирадиган маҳсулотларининг 50 фоизини хўжаликка нархини ўзлари белгилаб, шартнома асосида сотадилар. Қолган 50 фоиз маҳсулотни эса хоҳласалар қўлларидан келса қайта ишлашади, бўлмаса хом ашё ҳолатида хоҳлаган нархларида, хоҳлаган ерларига олиб бориб сотишлари мумкин. Бунга ҳуқуқ берилади. Энди савол туғилади. Нега бундай имтиёзларни хўжаликка ҳам бериш мумкин эмас. Агар хўжаликка ҳам шунақа имтиёз берилса, фойдаси жуда катта бўларди-ку. Хўжалик ўз ихтиёрида қоладиган маҳсулотларини, хом ашёни, айниқса, сутни бутунлай ўзи қайта ишларди, давлатга топшириладиган молни гўшт учун ўзи сўйиб, халққа сотарди. Давлат ҳам, кам бўлмасди. Хўжаликлардан оладиган 50 фоиз маҳсулотини кўпроқ кам таъминланадиган оилаларга, ногиронларга, боғча-яслиларнинг эҳтиёжини қондиришга сарфларди. Ўз-ўзидан гўшт, сут комбинатларининг «иши» ихчамлашиб борарди. Тўғри-да, ҳозирги пайтда бундай комбинатлар деҳқоннинг бутун йил давомида катта меҳнатлар эвазига оғир машаққатлар ҳисобига етиштирадиган маҳсулоти хом ашёсини кўп ҳам жон қойитмасдан қайта ишлаб, шу ҳисобига айрим ҳолларда қаллобликларга йўл қўйиб, ўзларининг манфаатларини ўйлаб, бойишмаяптими? Агар юқоридаги усул қўлланилса уларнинг йўли тўсилармиди?

— Мол гўшти йўқлиги одамлар парранда гўшти, тухум ҳисобига тириқчилик қилишарди. Энди бу имконият ҳам йўқ бўлиб бораяпти. Бир килограмм парранда гўштининг нархи фабрикаларнинг ўзида 31 сўм, тухум 75 тийин нарх қўйилиб, сотувга чиқарилмоқда. Лекин дўконларда барибир сероб бўлмаяпти. Тухум-ку, анчадан буён жуда камайиб кетди. Бозорда бир донасининг нархи уч сўмга чиқди. Агар эсингизда бўлса, Москвада бир кило гўштнинг нархи 30—40 сўмга чиққанида бу қанақаси бўлди, деб ёқа ушлаган эдик. Қарангки, кўп ўтмай ўзимизга ҳам етиб келди бу аломат. Эшитишимизга қараганда ҳозир Масковда бир дона тухум бозор нархида ўн сўмга чиқ-қанмиш. Бизда ҳам шунча кўтарилмаса дейман. Чунки товуқ гўшти ва тухум нархи яна иккн баравар ошади деган гаплар ҳам юрибди.

— Ҳеч гап эмас, бўлиши мумкин. Нега дейсизми? Бу тармоқда ҳам аҳволнинг ниҳоятда танглашиб бораётганлиги озуқага келиб тақалади. Ҳозир парранда учун тайёрланадиган махсус озуқанинг бир килограмми 2,5—3 сўмдан етказиб берилмоқда. Сабаби маълум. Хом ашё йўқ. Алоқа занжирлари узилиб кетган. Уларни минг урингсангиз ҳам пайвандлаб бўлмаяпти. Тахминларга кўра нарироқ-ка бориб озуқанинг нархи янада кўтарилиши мумкин...

— Шунинг учунми ҳозир вилоятда ҳар хил гап-сўзлар юрипти. Мавжуд парранда-чилик фабрикаларидаги паррандалар сони 50 фоизга қисқартириларкан. Гўшт учун сўйиб юбориларкан. Шу ростми? Тухум қиладиган тайёр товуқларни сўйгандан кўра аҳолига сотган маъқул эмасми? Жон деб олади. Бир амаллаб дон-дун топиб боқади, сақлайди. Демакки, оила тухумли бўлади. Бўлиши мумкин бўлган қимматчиликнинг олди бир қадар олинади.

— Албатта-да. Мен ҳатто шундай йўл тутилгани маъқул деб ўйлайман. Шубҳасиз, паррандалар сонининг кескин камайтирилиши салбий ҳолатларни юзага келтириб чиқариши мумкин. Лекин назаримда бу унчалик ҳавотирли эмас. Бу қийинчиликлар қисқа давом этади. Ўтиб кетади. Чунки парранда тухумидан тез кўпаядиган жонивор. Муаммолар ҳал этилиб, озиқ-овқат таъминоти изга тушгач, ишлар ҳам юришиб, ҳаммасининг ўрни тўлиб кетади.

— Модомики, гап чорванн танг аҳволдан қутқариш ва ўнглаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш устида бораётган экан, бир нарсага ойдинлик киритиб олайлик. Бир вақтлари биз бу танг аҳволни ветеринария хизматининг ёмонлиги билан боғлаб танқидий фикр ва мулоҳазаларни билдирган эдик. Бунинг учун етарли асослар бор эди. Чунки ўзингиз биласиз. Кўпгина ноҳияларда қорамоллар, зотли соғин сигирлар, турли касалликларга чалинди. Олди олинмаганлиги учун бу касаллик тез тарқалди. Бу хунук оқибатларга олиб келди. Кўпгина фермалардаги сигирларни гўштга топширишга мажбур бўлдилар. Ҳозир бу соҳада аҳвол қандай?

— Дадил айтиш мумкинки, анча яхшиланиб қолди. Гўштга топшириб юборилган сигирларнинг ўрни тўлдирилмоқда. Вилоятда асосан зотдор моллар боқилмоқда.

Дарҳақиқат, қайси бир хўжаликда ва ноҳияда зоотехник, мол дўхтири билан биргаликда бамаслаҳат ишласа ўша ерда ютуқ бўлади. Айниқса, зоотехникларнинг ишбилармонлиги, уқуви, тадбиркорлиги, тажрибасини ишга сола билиши ва назарияни амалиётда шароитга қараб қўллай билишида гап кўп.

Лекин юқорида айтилганлардан нотўғри хулоса чиқармаслик зарур. Мол дўхтирларининг ҳам ўз навбатида қилиши керак бўлган ишлари ва шу билан биргаликда камчиликлари ҳам учраб ётипти. Афсуски, бизда кўпгина мутахассислар, зоотехниклар яхши ишлашмайди. Ҳисобот маълумотларини кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаммаси жойидага ўхшайди. Қоғозда ҳар бир молга мўлжалдаги озуқа бирлиги берилаяпти. Лекин натижа нега бошқача бўлиб чиқади. Ҳамма иллат шундаки, озуқалар кўп бўлгани билан унинг сифатига эътибор берилмайди. Моллар қай аҳволда, қачон ва қай тартибда едирилишини назорат қилмайдилар. Бу табиийки, молнинг соғлиғига ҳам, маҳсулотига ҳам салбий таъсир қилади.

— У ҳолда мутахассисларга бўлган талабни бошқача қўйиш керак.

— Тўғри, лекин ҳозир қуруқ талаб билан иш битмай қолди. Ҳамма ҳам ҳақ-ҳуқуқини танийди. Энг муҳими юқори ва қуйи бўғинда ишлайдиган мутахассислар ва чорвадорларнинг манфаатдорлигини ошириш керак. Бу ўз-ўзидан харид нархларига келиб тақалади. Харид нархларини изга солмай туриб, бу мақсадга эришиш қийин. Ҳозир сут соғувчи ўрта ҳисобда 700—800 сўм ойлик олаяпти. Бу камида 1500—2000 сўм бўлиши керак. Мутахассисларнинг ойлигини ҳам шунга мувофиқ ошириш керак.

— Озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида қандай янги тадбирлар кўрилди? Ахир эскичаси иш бермай қўйди-ку!

— Бу ҳам ғоят ҳаётий масала. Ўтган йили вилоятимизда 98 минг гектар майдонда чорва учун озуқа экини экилган эди. Бу йил 100 минг гектарга экиш мўлжалланяпти. Агар давлат томонидан бериладиган омухта ем 1992 йил даражасида қоладиган бўлса, таъминлаш ўлда-жўлда бўлса, у ҳолда вилоятимиз бўйича яна қўшимча 10 минг гектар ерга бошоқли дон экиш зарур бўлади. Акс ҳолда яна озуқадан қийналиб, яна мушкул аҳволда қолишимиз мумкин.

— Очиқчасига, дилдан суҳбатлашганингиз учун раҳмат. Муаммоларни тезроқ бартараф этишда сизларга сабр-тоқат, қатъиятлик тилаймиз!

Суҳбатдош Н. РИХСИЕВ.

• Долзарб мавзуда суҳбат

ЭРКИНЛИК АМАЛДАМИ?

Тўлқин АЛИМОВ Тошкент ноҳиясининг «Хасанбой» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси:

— Хўжалигимиз бу йилдан бошлаб, юз фоиз ижарага ўтди. Тўртта фермер хўжалигимиз бор. Асосий мақсадимиз эл дастурхонини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш. Лекин жумҳуриятимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун тезроқ иқтисодий танглиқдан чиқиш керак. Шунинг учун ҳам халқимиз сабру-бардош билан меҳнат қиляпти. Бироқ, деҳқонларга нисбатан эътиборни кучайтириш зарур. Мана қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш ҳали ҳам юқорининг кўрсатмаси билан амалга оширилаяпти. Яъни, уларнинг харид нархлари нари борса, икки-уч баробар ошди. Оғир ва енгил саноат молларининг баҳоси эса 30—40 фоиз кўтарилиб кетди. Ахир деҳқонларга ҳам ўз маҳсулотларини эркин сотиш ҳуқуқи берилсин-да!

Сўз—қурултой қатнашчиларига

ИЖАРАЧИ ДЕҲҚОНЛАР КЎПАЙМОҚДА, БИРОҚ...

Шуқор УМРЗОҚОВ: Оҳангарон ноҳиясидаги «Ўзбекистон» шўро хўжалиги директори

— Хўжалигимизда 28 та ижарачи деҳқончилик билан, 5 та фермер чорвачилик билан шуғулланади. Ўтган йили 6 миллион сўм соф даромад олдик. Жумладан, сабзавотдан 3 ярим миллион сўмлик, помидордан эса 400 минг сўмлик фойда келди.

Бироқ, ҳозирги шароитда нарх-навонинг кескин ошиб бораётганлиги туфайли олинган даромад ҳеч нарса бўлмас экан. Шунинг учун, сабзавот маҳсулотлари етиштириш фақат зарар ҳисобига амалга оширилмоқда. Шундай бўлгач, ҳозирги кунинг асосий талабларидан ҳам бири саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархи ўртасидаги номутаносибликни йўқотишдир.

• Илм ва тажриба

БУ ОДДИЙ ЁМҒИР ЭМАС

ТАШҚАРИДА ўриклар гуллаган бир пайтда иссиқхонада помидору бодринглар етилиб турипти. Лекин Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалиги иссиқхона мудири А. Ғуломмаҳмудовнинг гапларига қараганда бу ерда ҳам ҳали анча-мунча муаммолар мавжуд. Жумладан, металл қувурлар, шишанинг етишмаслиги кўпгина қийинчиликлар туғдириши табиий, аммо аҳил жамоа куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

— Ўтган йили декабрь ойиданоқ 4,5 гектарга помидор, 1,5 гектар ерга бодринг экиш учун уруғ сотиб олдик,— сўз бошлади Анваржон, — Кейин кимё-биология лабораторияси мудири Ф. Саитова билан ҳамкорликда уни экишга тайёрлаш ва экиш ишларини амалга оширдик. Шу билан бир вақтда маҳаллий, минерал ўғитларни ҳам мавсумга етарли ҳозирлаб қўйдик.

Сабзавот таркибида нитратнинг ошиб кетмаслиги учун деҳқончилик кимёвий хизмати бирлашмаси билан узвий алоқада доимо тупроқ таркибидаги азот, натрий, калий ва бошқа моддалар мўътадиллигидан хабардор бўлиб турамиз.

Мен ўғитнинг бир тури, қайсики ҳали кўпларга маълум бўлмаган, иссиқхонамизда 1988 йилдан буён қўлланиладиган ҳили ҳақида айтмоқчиман. У тупроққа солинмайди, аксинча, ўсимликнинг баргига сепилади. Помидор ва бодринглар гуллаётган бир пайтда гектарига икки литр ишлатилди, холос.

Мана, маҳсулдорликни қаранг,— бизга кўрсата бошлади Анваржон,— ўсимликлар бақувват, ҳосили мудатида етилади. Лекин ўғит таркиби ТошДД амалий физика илмий-тадқиқот илмгоҳи қишлоқ хўжалиги гуруҳи олимларининг «маҳфий сири».

Илмгоҳнинг катта илмий ходими А. А. Дорофеев суҳбатимизга қўшилди:

— Уч йил олдин «ҳимояланган тупроқда комплексаэрозоль ўғитни вақтинчалик қўлланиш услуби»га қатор иссиқхоналардан олинган маълумотлар унга асос қилиб олинди.

Бироқ, иссиқхоналардаги тупроқлар таркибини ўзгартирганимизда ҳам самара камроқ бўлди. Шундан сўнг жиддий изланиш олиб бордик. Қадимги боболаримиз бекорга ёмғирни ош-нонга қиёслашмас экан: унинг ўсимликлар танасига, баргига жуда катта таъсири борлиги маълум бўлди. Яъни ёмғир томчиси нафақат сув, балки турли микроэлементларга тўйинган озуқадир. Иссиқхонага эса ёмғир ёғмайди. Шунинг учун ҳам уни сепиш усулини, тағин оддийгина эмас, тупроқ таркибида қайси модда етишмаслигига қараб, айни тўлаш пайтида икки литр ўғитни сув билан яхшилаб аралаштириб кўпайтириб сепишни жорий қилдик.

Ҳозирги пайтда буни очиқ ҳавода ҳам синаб кўряпмиз. Чунончи, Тошкент ноҳиясининг Алишер Навоий, «Тошкент», «Ленинград» жамоа хўжаликларида эртаги карамга, баҳорги картошкага қўллаганимиздан сўнг ҳосил миқдори 25—27 фоизга ортди. Демак, биз нафақат иссиқхоналар, балки жамоа ва шўро хўжаликлари, фермерлар билан ҳамкорлик қила оламиз. Бу услуб кимни қизиқтирса талабалар шаҳарчасида жойлашган илмгоҳимизга келишлари мумкин.

Суҳбатдош: А. СИЗОВ.

Сўз—қурултой қатнашчиларига

МАОШИМИЗ ОШИРИЛСА...

Эрмуҳаммад НУРМАТОВ Бўка ноҳиясидаги «Ленинобод» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси

Ўтган йили кўзда юз гектар майдонга ғалла экдик. Бу йил 10 гектар жойга шоли, 70 гектарга маккажўхори экмоқчимиз. Булар меҳнаткашларимизга бироз бўлсада енгиллик туғдирса ҳам бироқ, жамоа хўжалигимизнинг иқтисоди оғир аҳволда. Колхозчиларнинг олаётган маоши жуда ҳам оз. Бизга ана шу қийинчиликларни енгиб ўтишимиз учун шароит яратилиши зарур.

• «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ХОТИРА КИТОБИ •

Аҳмад ИСМОИЛОВ

Босит ХАЛИЛОВ

Аъзам МИРБОБОЕВ

Усмон ЖОНГИТОВ

Ҳошим АБДУСАМАТОВ

БУ КУНЛАРГА ЕТМАДИЛАР...

УЛАР ҳаёт бўлганда энди олтмиш-етмишни қоралаган, айримларигина саксонга борган бўлардилар. Лекин инсон умри қисқа экан, журналистларнки эса айниқса, Буни матбуотдагиларнинг тинимсиз, бехаловат иши, доим асабий зўриқишда бўлишлари билан изоҳлашади шифокорлар. Шундай бўлса ҳам «журналистиканинг нони ширин» деганларидек, бу кўчага кирганлар орасида кейин касбини ўзгартирганлар камдан-кам топилади.

Тўғри, рўзнома, ойномаларда қалам тебратувчилар бой-бадавлат, ошиб-тошиб яшамайдилар. Лекин улар маънавий бойлиги ва баркамоллиги билан бошқа соҳа кишиларидан ажралиб турадилар. Бунинг сабаби — улар ҳаётнинг олдида боришади, кўплар билан мулоқотда бўлишади, ҳар нарсадан огоҳ ва сезгир юришади.

Шуларни ёзяпману, марҳум Аҳмад Исмоиловнинг ҳаёти кўз ўнгимдан ўтаётир. У киши «Тошкент ҳақиқати» жамоасига узлуксиз ўн етти йил бошчилик қилганлар. Илгари «Ёш ленинчи», «Совет Ўзбекистони» ва бошқа нашрларда ҳамда партия аппаратида масъул лавозимларда ишлаган эдилар.

Аҳмад Исмоиловдан яхши ном қолди. Кўпдан-кўп шогирдлари ҳамон устозни миннатдорчилик билан эслаб юришади. Юртдошлари эса А. Исмоилов номини абадийлаштирдилар. Гандумтош қишлоғи (Жиззах)даги мактаб ва кўча ҳозир «Тошкент ҳақиқати»нинг марҳум муҳаррири номи билан аталмоқда.

50—60-йилларда ижод қилган журналистларнинг аксари Хрушчевнинг бир гапидан жуда ҳафсалалари пир бўлган эди. У журналистларга «партиянинг дастёрлари» деган баҳо берган эди. Ҳукмрон партия учун бу баҳо жуда қўл келди. У матбуот ходимларини том маънодаги югурдакка айлантириб олди. Буни партия рўзномаларида ишлаганлар яхши билишади. Марҳум устозларимизнинг ижодий фаолиятига ҳам айни шу нарса ғов бўлиб қолган эди.

Усмон ЖОНГИТОВ табиатан шоир, санъаткор эди. Тезкор қаламкаш ҳисобланарди. Шунинг учун бўлса керак рўзноманинг энг катта бўлимига уни мудир қилиб тайинлашганди. Эсимда, Усмон ака мудирлик пайтида бўлимда олти-етти, баъзан саккиз нафар киши ишларди. Уларнинг ҳаммаси районма-район, хўжаликма-хўжалик юришар, пойтахт вилояти иқтисодиётида тобора ҳал қилувчи соҳага айланиб қолаётган пахтачиликни ёритишарди. Ўша кезлар вилоятимиз 500 минг тоннадан ҳам ошириб пахта топширар, мамлакатга донг таратган пахтакорлар шу ердан чиққан эди. Ҳамроқул Турсунқулов, Ғанишер Юнусов, Турсуной Охунова ва улар бошлаган ташаббус ҳамда уларнинг издошларини эл-юртга танитиш ана шу бўлим ходимлари зиммасида эди. Усмон Жонгитов тиним билмай саҳифалар тайёрлар, пахтазор қаҳрамонлари ҳақида очерклар, лавҳалар, шеърлар битарди. Агар бошқа давр бўлганда Усмон ака ажойиб мумтоз шоир, ё ҳеч бўлмаса театр, ёҳуд кинода шуҳрат қозонган актёр бўларди (унинг ҳеч кимда йўқ жарангдор овози жуда кўп таржима фильмларга тушган).

Мана шу фидокор журналист партиядан ўчирилиб, ишдан ҳайдалишига бир баҳо қолганди. Ёдимда, 1961 йил октябрь ойида бўлган КПССнинг XXII съездида Сталин шахсига сиғинишни узил-кесил тугатишга қарор қилинган пайтлар.

Бир кун йўлакда шивир-шивир бўлиб қолди. Усмон ака билан яна бир киши партия бюросида муҳокама қилинибди. Улар қаттиқ жазога лойиқ кўрилибди. Сабаби — Усмон ака Сталин мавзолейдан ҳам чиқариб ташланди, деган гап тарқатиб, бу билан партияни ёмонотлиққа чиқазмоқчи бўлган эмиш. Таҳририят коммунистларининг қарори райкомга олиб кетилаётганда ЎзТАГдан хабар келиб қолди: Марказий Комитет бюроси халққа қарши кўп жиноятлар қилган Сталиннинг мавзолейда доҳий Ленин билан ёнма-ён ётиши бундан буён мумкин эмас, деган хулосага келганди. Бу янгиликни Усмон ака чет эл радиоси орқали олдинроқ эшитганди. «Сиёсий кўрлик»да айбланиб, бошига кўп оғир савдолар туша бошлаган У. Жонгитовни Москвадан келган хабар сақлаб қолди.

Ўша давр руҳи истеъдодли журналист Босит ХАЛИЛОВ, Салимжон МАҲКАМОВ, Малик ИБРОҲИМОВлар ижодини ҳам бўғиб қўйган эди.

Босит ака яхши драматург эди. Унинг пьесалари Муқимий номли театрда, республиканинг бошқа вилоятларидаги театр саҳналарида қўйилган. Лекин Босит ака ҳам катта ёшга бориб қолган бўлишига қарамай районма-район юриб, рўзномага кундалик материаллар олиб келишдан, фактларни, янгиликларни ўз кўзи билан кўриб, шахсан иқрор бўлишдан ортмасди. Шу сабабли ҳам марҳум шоир Қудрат Ҳикмат ишхонамизга келганда «Босит Халил, борми далил?» дея ярим ҳазил билан у кишига қўл чўзарди.

Ижодида ҳажв ва ҳазил устивор бўлган Салимжон ака билан Малик акалар ҳам таҳририят топшириғи (демакки, партия топшириғи)ни бажаришни олий бурч, деб ҳисоблашарди. Ваҳоланки, ичакузди аскиялари, қайроқи гаплари билан ҳаммани ўзига қаратиб юрадиган Салимжон Маҳкамов «Муштум»нинг яхшигина ижодкорларидан эди. Малик ака ёзган фельетон, танқидий мақолалар эса ниҳоятда пухталиги, рад этилмайдиган фактлар ёрдамида айбдорлар «михлаб» қўйилганлиги билан ажралиб турарди.

Ўша давр воқеаларини кўз олдимизга келтириб, ҳозир ҳам куламиз, ҳам куямиз. Ўзбеклигимизга, қадриятларимизга қайтаёт; ганимиз учун, ҳозирги кунларимизга шукроналар айтамиз.

Марҳум Зариф МУҲАММАДЖОНОВ давраларнинг гули эди. У кишидан кўпчилигимиз ўзбекона урф-одатларни, оқибатни, инсонийликни, кексаларга, кўнгли ғарибларга ҳурмат-иззатни ўрганганмиз.

Партияга дастёрлик бир сари-ку, ҳаммамиз Москвага қарамлигимиз ўтиб кетарди. Биласиз, Москва билан Тошкент орасидаги вақт уч соатга фарқ қилади. Шу сабабли кечаси соат 22 дан олдин уйга кетган муҳаррир бўлмасди. Навбатчини-ку қўяверинг, бўлим мудири, котибнят, корректорларнинг хонасида чироқ ярим кечагача ўчмасди. Бугун Сиёсий бюрода нима гап экан? Олий раҳбар кимни қабул қилдийкин? Қаерда, қандай сўзладийкин? Агар у бирон маъруза қилиб қолгудек бўлса, тайёр ҳолга келган рўзнома қайта бузилиб, иш янгидан бошланар, уйга кетганлар олиб келинарди. Кўп касбдошларимизнинг умрига завол бўлган сабаб шулар бўлса ажаб эмас.

Юқорида тилга олинган устозлар қатори Исмат МАНСУРОВ, Зокир ИСРОИЛОВ, Муборак ҒОЗИЕВ, Яшин САЛИМОВ, Қаҳрамон КАРИМОВ ва бошқалар ҳам қисқа умр кўришди. Афсуски, улар бу кунларга етмадилар, мустақил юртимизнинг эркин матбуотида биз билан бирга хизмат қилиш уларга насиб этмади. Лекин улар биз учун, ўз оилалари, ёр-дўстлари, қариндош-уруғлари учун ҳамиша барҳаёт. Уларнинг порлоқ хотирасини ҳеч қачон унутмаймиз.

С. МУСАЕВ.

Муборак ҒОЗИЕВ

Малик ИБРОҲИМОВ ва Салимжон МАҲКАМОВ

Зокир ИСРОИЛОВ

Зарифжон МУҲАММАДЖОНОВ

Яшин САЛИМОВ

Павел ШЕСТАКОВ

МАРҲУМЛАРНИ ЭСЛАШ—ТИРИКЛАРГА ФАРЗ!

ЎТГАН ишга саловат, дейди андишали халқимиз. Ҳарқалай халқимизнинг қон-қонига сингиб кеттан ва йўқолиб кетишига оз қолган ажойиб анъаналари қайта тикланди... Ҳа, дўстлар, ота бободаримиз минг йиллар давомида амал қилиб келган бу инсоний бурч яна ўз ўрнини тўпди. Чунки авлоддан-авлодга ўтиб келган бу каби анъаналаримизнинг йўқолиши мумкин эмас. Булар бизнинг маънавий бойлигимиздир. Халқ яратган қадимий анъаналарга мурожаат қилар эканмиз уларнинг заминида жуда кенг фалсафий маънога эга бўлган бой тушунчалар ётганлигини кўрамиз. Улардан бир шингили билан танишсак.

Қадимий адабиётлардан бирида айтилишича инсон руҳи жасаддан ажралгач ер остидаги ўликлар оламига сафар қилишдан аввал уч кунгача ер юзида сафарда бўлиб, гўё қийинчиликлар билан бир дарёдаги «қил кўприк»дан ўтиши шарт экан. Шу уч кун ичида унинг яқинлари унга шу қийин сафари давомида ёрдам тариқасида дуолар ўқишиб, жонликлар қурбон қилишар экан. Шунда дунёдан кўз юмган марҳум руҳи «қил кўприк»дан ўтиш давомида, агарда ҳаётлик чоғида қилган гуноҳлари кўп бўлса, фаришталар таъсири воситасида иккига бўлиниб, жаҳаннам қаърига йўл олар экан, агарда савобли ишлари кўп бўлса фаришталар ёрдамида қийналмасдан ўтиб кетар экан. Соғ-саломат «қил кўприк»дан ўтиб, ўликлар оламидан жой олгач (у ерда) руҳ ер юзида ҳаёт қолган авлодларга қарам ҳолда соғ» каби ҳаёт кечирар экан. Тирик авлодлари маълум бир вақтларгача уни овқат ва кийимлар билан таъминлаб туришар экан.

Шундан кейингина йўқлов тугаган, чунки марҳум руҳи қирқ йилдан кейингина ўликлар, жамоаси билан қўшилиб кетиб, уруғ—аймоғларининг ёрдамига муҳтожлиги қолмаган... Келтирилган бу ақидалардан хулоса шуки, яхши ниятлар билан тириклигида хайрли ишларга сидқидиллик билан қўл урган кимсалар қариндош-уруғлар томонидан узоқ йиллар давомида эслаб турилган. Қадимий дин ҳомийлари бўлган Зардуштийларнинг китоби «Авесто»да ҳам инсонни тириклигида яхшиликлар қилиб кетиши кераклиги таъкидланган. Ҳақиқатдан ҳам илмий текширишлар инсонларни қилган ишлари ва жамият ўртасида топган обрўларига қараб, ўз авлодлари орасидан изсиз йўқолмаганлигини кўрсатмоқда. Бунинг исботини Тошкент вилоятининг турли ноҳияларида учрайдиган қадимий қабрлар мисолида кўриш мумкин. Бу қабрларнинг ташқи кўриниши (катта-кичиклиги) хилма-хиллиги киши эътиборини ўзига тортади. Масалан, милоддан кейинги I—III асрларга оид қабрларнинг баъзилари бир қарашда кўзга ташланмас ҳолга келиб қолган (яссиланиб кетган) бўлса, баъзилари минг йиллар ўтишига қарамасдан ўзининг улкан тоғ мисоли қиёфаси билан ажралиб туради. Бундай улкан қабрлар вилоятимизда кўплаб учрайди. Бунинг боиси нимада? Ўзларидан хотира сифатида маданий ёдгорликлари бўлмиш тарихий обидаларни қўлларидан келганча асраб-авайлаб бизгача етказган авлодларимизнинг ниятлари пок бўлган. Уларнинг келажакка бўлган ишончлари қатъий бўлган ва шунга қараб иш юритишган. Бу фикримизга бизнинг давримизгача етиб келган юзлаб тарихий обидалар мисол бўла олади. Шу ерда, гарчи вилоятимизга тегишли бўлмаса-да, инсон орзуларидан, эзгу-ниятларидан бирини ўзида акс эттирган бир ёдгорликни эслатмоқчиман. Нахчевандаги (Озарбайжон жумҳуриятида) Момина-хотин (XII аср) мақбарасининг деворларидан бирида «Биз ўткинчимиз, дунё мангу туради, биз ўламиз, бу эсдалик бўлиб қолади»..., деб ёзилган мисралар ўтмиш халқларининг тилакларидан намунадир. Ҳақиқатдан ҳам ота-боболаримиз ўзларидан келажак учун биронта хотира қолдириш нияти билан ҳаёт кечирганлар, аждодлари ҳурматини ўрнига қўяолганлар. Бу иззат-икромларнинг исботи марҳумлар ётган қабрларда ўз ифодасини топган. Масалан, Тошкент вилоятининг ғарбида жойлашган Кавардон қишлоғидаги текширишлар натижисида бу ердаги қадимий қабрларга (II—IV асрлар) қўйилган марҳумларга алоҳида иззат-икромлар кўрсатилганлигини кўрамиз. Ўрлар учун махсус жойлар танланган ва марҳумнинг ёшига, жамият ўртасида топган обрўсига қараб ҳурматларини билдиришган, яъни, зеби-зийнатлар ва турлик идишларга озиқ-овқатлар солиб, дафн қилишган. Бу ерда ҳам бир ҳолат яққол кўзга ташланади, яъни баъзи бир инсонлар дафн этилгач, ўз уруғлари томонидан тезда унутилган. Бунга шу марҳумни йўқловчи авлодларининг йўқлиги сабаб бўлган бўлиши керак. Шу сабабли уларнинг ўрлари тездан хотирадан кўтарилиб кетган ва бизнинг кунларгача кўзга ташланас бир ҳолатда етиб келган... Баъзи бир марҳумларнинг ўрлари эса аксинча, узоқ йиллар давомида яқин уруғ-авлодлари томонидан эсланиб, авайлаб-асралгани учун яхши ҳолатда сақланган.

Қадимда ҳам хотира кунларининг мавжудлигига ва анъанавий тусга эга бўлганлигига ҳеч шубҳаланмасак бўлади. Археологик илмий текширишлар буни тўла тасдиқламоқда.

Қадимда ҳар йили маълум ойларда (баҳор фаслида) марҳумларни эслаш билан боғлиқ бўлган анъанавий сайиллар ўтказилган. Шунда марҳумнинг авлодлари ўз уруғлари қабрини зиёрат қилганлар, унинг ўри устига уюлган тупроқлар уюми устига яна тоза тупроқ ташлаганлар, бузилган жойларини тузатганлар, Бундай қадимий удумларни инсон тарбияси учун бўлган аҳамияти жуда ҳам катта бўлган. Ота-боболаримизнинг, «Мозорларни зиёрат қилинг, бу сизни ёмон фикрлардан халос этиб, яхшилик ҳислатларингизни уйғотади»,— деб берган сабоқлари бебаҳодир.

Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, Амир Темур ҳам сафарлардан қайтганда (шубҳасиз, отланганда ҳам!) Самарқанддаги Қусам ибн Аббос қабрини зиёрат қилган.

Ҳеч шубҳа йўқки, мозорларни зиёрат қилиш барча тоифадаги кишиларга ижобий таъсир кўрсатган. Уларни ёмонликлардан қайтарган, асабларини мустаҳкамлаган. Ҳатто касалманд кишиларнинг тузалиб кетганликлари кўпчиликка сир эмас. Ҳозирги кунда хотира кунининг нишонланишига кенг йўл очиб берилиши ҳам анъаналар тикланиши йўлидаги қўйилган яхши қадамлардан биридир. Бундан яхши хулосалар чиқариб олинишига умидворміз.

Ота-боболаримизнинг ўтмишдаги олижаноб удумлари ҳақида ўйлар эканмиз, ҳозирги кунда халқимизнинг ҳеч бир қондага тўғри келмайдиган, кейинги вақтларда қайсибир «оғзи полвонлар» томонидан ижод этилган расм-русмлар кишини ажаблантиради.

Хонадон учун энг бахтсиз ҳодиса бу (эртами-кечми рўй берадиган ва табиат ҳукмларидан бири ҳисобланмиш) ўлимдир! Бу ҳодисадан эсанкираб қолган кимсаларни кўпчилик кўрган ва эшитган. Халқимизда бир ибора бор: «Ўлим борнинг борини очади, йўқнинг йўғини». Шундай экан нега гоҳо ўзимизни қийнаб, кучаниб беўрин расм-русмларни кўпайтириб юборганмиз? Масалан, мозорбошига борган ёшу-қариға биттадан дастрўмол (баъзи ерларда янада ортиқнарқ чиқимлар) беришлар ва ундан кейинги бўладиган ҳаражатлар кишини ҳайратга солади. Бу билиб-билмасдан бирбирига эргашиб қилинадиган бидъат одамни ўйлатиб қўяди... Марҳум хотираси учун ўтказиладиган маросимларнинг ижодкорлари кимлар!? Мусулмончиликда шу одатлар бормикан!? Мозорбошида олган нарсаларни нима деб оламиз, ниятимиз нима!? Эсдалик учунми?... Табаррук отахонларимизнинг, онахонларимизнинг қолдирган кийимлари ёки биронта буюмларини «Мени ҳам шу ёшга етказгил, эй худо!» деб олишимиз бошқа гап... Бир-биримизга «йўл-йўриқларни» ўргатишимиз ва унинг оқибатлари... Ахир, бундай кўр-кўрона тақлид қилишлик ўз ҳаётимизни ўзимиз оғирлаштириш эмасми?.. Менга қардош туркий халқларнинг яхши одатлари ёқади. Масалан, Озарбайжон халқида бир яхши удум бор экан. Уларда марҳумнинг оиласидан кўнгил сўраб келган киши маросим бошлиғига имконларига қараб беш-ўн сўм пул бериб кетишар экан. Бизда чиқим устига чиқим... Сабабларининг тагига етолмай, бошимиз ганг. Гўёки, тагига етиш қийин бўлган муаммо... Нима учундир ота-оналаримиз ҳаётлик даврларида қадрларига кам эътибор берамиз, бекорга уларни ранжитамиз ҳам, бемазагарчиликларга йўл қўямиз,... Бу дунёдан кўз юмиб кетишгач эса дод-фарёдлар солиб, йиғлаймиз. Ўзимизни меҳрибон қилиб кўрсатамиз, «ким ўзди»га маросимлар ўтказамиз, хуллас буёғини қойиллатамиз. Бу ҳам кам кўрингандек қабрлари устига зилдак қилиб мармар тош ортамиз! Лекин шулар ўринлимикан? Ўйлаб кўрмаганмиз. Гарчи ноўринлигини сезиб турсак ҳам барибир...

Модомики кўнглимизда яхши ва пок ниятларимиз бор экан барча удумларни маромида адо этмогимиз лозим.

Уткир АЛИМОВ,
Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг катта илмий ходими.

ТОКАЙ ЁҒИЙ НОҲАҚ ТЎКАР КЎЗ ЁШИМ?

Темур бобом кўзларида ёш билан
Қилич силтаб жангга кирар жон ҳалак.
«Эвоҳ, иним — Боязидим! Қош билан —
Нечун кўзни ёғий этар шум фалак?»
Бобом йиғлар юрак-бағри эзилиб,
Остидаги тулпорнинг ҳам кўзи нам.
Бир зўр улус икки тараф тизилиб
Кўз ёш тўкар, даввор замин юзи нам!

О, туркий эл! Тарихингни ўқидинг,
Аммо уқиб ололмабсан маънисин.
Шу боис ҳам яна такрор панд единг —
Жаҳолатда сўйди ога инисин!
Туркистонинг чормих-бўлак бўлгани
Кимгадир шарт эди, ҳамон зарур бу.
Туркий элнинг тарқоқ юриб ўлгани
Кимларгадир байрам, ҳатто ғурур бу!
Не-не ситам, маломатлар кечса ҳам
Сен кечмадинг аслида йўқ кийнадан.
Қизинг таҳқир, ўғлинг ўққа учса ҳам
Тарқоқ фикринг қувилмади сийнадан.
Қирғиз, қозоқ, туркман, турк деб сурдилар,
Ўзбек, озар бўлиб ҳар ён этилдинг.
Ҳар бирингни галма-галдан қирдилар,
Ингирма уч тирик нишон этилдинг.
О, туркий эл! Олти аср йўл қара —
Темур бобом кўзларида ёш турар.
Сен кўру кар, Хожалида энг сара —
Бир улусинг фарзандлари жон берар!
Токай бошинг узра мотам булути
Ўз қонингни ёмғир, селдай тўкадир?
Нечун сингмас «Улуг битик» ўгити,
Токай туркий улусим тиз чўкадир?
Уш, Фарғона, Паркент қонга беланиб,
Маломатли харсанг тошлар каммиди?
Неча ўн йил кимларгадир эланиб
Кун кечирган, эгик бошлар каммиди?.
Узлигингни англаб бу кун тик турдинг,
Нечун яна титрар тиззанг, бардошинг!
Қўл чўзмадинг қўмакдан юз ўгирдинг
Чопилганда Хожалида қардошинг?!.
Йўқ! Ганимни қирғин деб айтмасман,
О, туркий эл! Сен бирлашгин аввало.
Лозим бўлса жон тикмоқдан қайтмасман,
Бирлик топсанг йўқолар жанг-можаро!..
Сен ўзингни азиз билсанг этмай жанг,
Сени хўрлай олар куч ҳеч топилмас.
Бир-бирингни магар ўзинг чопмасанг,
Ҳатто бир туп дарахтинг ҳам чопилмас!
О, туркий эл! Мен бир ўғлинг — бағри хун,
Токай ёғий ноҳақ тўкар кўз ёшим?
Елбораман, сўнгги қурбон бўлсин ул —
Хожалида тилкаланган қондошим!
О, бовурим, кўкалдошим, қардошим,
Бирлаш! Бирлаш! Туркий улус — жондошим!

Дилмурод САИДОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Душанба, 30. III

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Уйқу салтанати». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч».
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Эл хизматида».
19.55 «Тановар» гуруҳининг концерти.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.55 «Хотира». Ҳошимжон Раззоқов.
21.45 «Наврўз-92» театрлар фестивали.
22.15 «Шарқ дурдоналари». Афғон қўшиқчиси Воҳид Собирий.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
18.50 «Ассалому алайкум» (такрор.).
19.50 «Бобур». Телефильм.
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Наврўзой».
20.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.10 «Миришкорлар».
21.40 «Билиб қўйган яхши».
21.55 «Ом&д» кўрсатувига илова.
22.55 «Лаҳза». Хабарлар.
23.05 «Маҳфий сайр». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида
7.35 Мультфильмлар.
8.15 «Чапдаст капитан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
9.20 «Марафон-15».
9.45 «Турар жойи». Телефильм премьераси.
*
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
* * *
13.15 «Телемикст».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 В. Славкин. «Картина». Телеспектакль.
15.15 «НЭП».
Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида
15.45 «Юлдузли ёмғир».
*
17.00 Янгиликлар.
17.20 Футбол шарҳи.
17.50 «Қора қути».
18.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тоғлардан юксак». Бадиий фильм («Қозоқфильм»).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
*
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 Бокс. МДҲ—АҚШ терма командалари матчи. «Олимпийский» спорт комплексидан кўрсатилади.
21.25 Концерт.
21.40 «Янги студия» таништиради: «Вазият», «Муаллифлар ойнаи жаҳони», «Уйқусизлар канали». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.20 Итальян тили.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Авто».
9.05 «Сиҳат-саломатлик».
9.35 Санъат оламида.
10.05 «Оқ қарға».
11.00 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Онахонлар, дадажонлар». Мусиқий бадиий фильм премьераси.
12.10 «Бурда моден» таклиф этади...
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.00 Болалар соати (француз тили дарси билан).
16.00 Тадбиркорлик ва анъаналар. «Китоб ношири И. А. Ситин». 1-кўрсатув.
16.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Ўз ишининг усталари. «Мен Шаура Давлетшиналман».
18.10 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».
18.25 «Россия билан юзма-юз».
18.40 Ҳужжатли панорама. «Чукоккала». К. И. Чуковский туғилган кунининг 110 йиллигига.
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Осмон билан ер туташган жойда». Бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.20 Спорт хабарлари.
22.30 «Бешинчи ғилдирак» (давоми).
23.15 Театр сафари. «Хусусий ҳаёти».
24.00 Фристайл. Европа чемпионати ва Европа кубоги. Балет.

Сешанба, 31. III

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахборот.
8.25 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт.
8.55 «Финист-сарлочин». Бадиий фильм.
10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележаридa».
10.50 «Қизил Яримой шуъласи».
11.20 Тижорат канали: «Илғор тажриба мактаби».
11.50 Қувноқ оҳанглар. Камер куйларидан концерт.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тушлик». Мультфильм.
18.15 Болалар учун «Кичкинтой» кўрсатуви.
18.45 «Чимён». Манзарали фильм.
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Инсон ва қонун».
20.10 «Тадбиркорлар ҳузурида».
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Наврўз-92» театрлар фестивали.
21.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Янгиер» (Янгиер) — «Трактор» (Тошкент). Репортаж.
23.05 Телевизион миниатюралар театри. 1-қисм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
Ўқув кўрсатувлари

10.30 Физика. Форадей қонунлари. Электролиз ходисасидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш.
11.00 «Волга жилолари». Телефильм.
11.30 Жуғрофия. Ўзбекистоннинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси.
* * *
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун фильм. «Валерка, Рэмка +».
19.00 Гитара оҳанглари.
19.30 «Алоқалар ва шартномалар».
20.20 Театр учрашувлари.
21.35 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида
7.35 Мультфильмлар.
8.05 «Чапдаст капитан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
9.10 Футбол шарҳи.
9.40 «Тоғлардан юксак». Бадиий фильм.
*
11.00 Янгиликлар.
* * *
13.40 «Ён дафтар».
13.45 «Савдо растаси».
*
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 Нафас олиш гимнастикаси.
14.40 «Бошқаларга ҳам етказиб қўй...». Телевизион бадиий фильм.
Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида
16.05 «Эртак кетидан эртак». Мультфильм.
16.20 «Болалар мусиқий клуби».
*
17.00 Янгиликлар.
17.20 Халқ куйлари.
17.35 «Илья Сельвинский. Инсон қалби муҳандислари». Телефильм премьераси («Союзтелефильм»).
18.15 «Телескоп».
18.45 Спорт гимнастикаси. «Жаҳон юлдузлари-92» халқаро турнири.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
*
20.00 Янгиликлар.
20.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. Финал. 2 ва 3-даврлар.
22.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Омонат умр». Бадиий фильм («Мосфильм»).
*
23.15 Янгиликлар.
23.50 Кўрсатувлар тартиби.
23.55 «Мавзу».

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балиқ» белгиси билан».
8.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
8.35 Болалар соати (француз тили дарси билан).
9.35 Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида. «Нукинининг саргузаштлари». Бадиий фильм.
11.05 «Бобомнинг сурнайи». Мультфильм.
11.15 «Винил чакалакзорлари».
12.00 Ҳужжатли панорама. «Мурғак қалб учун илтижо». Телефильм премьераси.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.00 «Простор +».
15.30 «Севги изҳори».
15.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
17.35 «Агар сиз...».
18.05 «Россия билан юзма-юз».
18.20 Россиянинг телевизион театри. Н. В. Гоголь. «Бурун». 1-қисм. Литва ёшлар театри спектакли.
19.35 «Ҳар бир кун байрам».
19.45 «Эски уйда яшовчилар». Мультфильм.
19.55 «Россия ва дунё». Ахборот аналитик кўрсатуви.
20.25 Криминал хабарлар.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.45 «Скрипкачи». Видеофильм премьераси. В. Третьяков. 1-фильм.
22.40 Н. В. Гоголь. «Бурун». 2-қисм.
23.45 Рус видеоси. «Тун фуқаролари».

Чоршанба, 1. IV

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахборот.
8.25 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт.
8.55 «Баҳор мўъжизалари». Бадиий фильм.
10.30 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
11.10 «Келажагимиз мактабда».
11.40 «Фикрлар тўқнашганда».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Евпатий Коловрат ҳақида қисса». Мультфильм.
18.30 «Анъана ва замон».
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Яшашга ҳақлиман».
19.55 «Олатов жилолари». Манзарали фильм.
20.10 Тижорат канали: «Орзу» иш тажрибасидан».
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг янги дастури.
21.40 «Наврўз-92» театрлар фестивали.
22.10 Телевизион миниатюралар театри. 2-қисм.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Абдулла Қаҳҳор». Телефильм.
19.30 «Қизиқарли учрашувлар».
20.00 «Спринт».
20.20 «Ишбилармонлар».
21.05 «Эсдалик учун дастхат». Е. Петросян.
21.40 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 Мультфильмлар.
8.20 «Болалар мусиқий клуби».
9.00 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Само аҳли», «Уша шамолнинг ўзи».
9.40 Хоккей. МДҲ чемпионати. Финал. 2 ва 3-даврлар.
*
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви.
11.50 «Қишлоқ ҳангомалари». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
12.20 «Вилоят салони» (Ростов-Дон).
12.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
13.10 «Ён дафтар».
13.15 «Телемикст».
*
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Мовий гуллар». Телефильм премьераси (Ростов-Дон).
14.30 «Бир сафарли ҳайдовчи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
16.00 «Рок-макс». «Генезис».
*
17.00 Янгиликлар.
17.20 «Максима».
17.50 «Муаммолар йўқми!».
18.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ўнг келган туш ёки чемодан». Бадиий фильм («Ленфильм»).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
*
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Шов-шуви катта-ю...». М. Задорнов иштирокида дам олиш кўрсатуви.
21.40 «Фермата». Ахборот мусиқий кўрсатуви.
22.10 «Қон эвазига ислоҳот». Бадиий-публицистик фильм премьераси. П. А. Столипин ҳақида. 1-қисм. («Экран» ижодий уюшмаси, «ХХ аср кинопрограммаси» бирлашмаси, М. Горький номли киностудия ҳамда «Ратмиринвест» фирмаси иштирокида).
22.50 Концерт.
*
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Лимпопо».
00.10 «Бир сафарли ҳайдовчи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».
8.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
8.35 Россиянинг телевизион театри. Н. В. Гоголь. «Бурун». Литва ёшлар театрининг спектакли.
11.00 Криминал канал. «Мутлақо махфий».
11.55 «Вариацияли мавзу». Россиянинг навқирон истеъдодлари таништирилади.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
14.45 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
15.45 «Жаҳон бозорининг калити».
16.15 «Ҳаёт кузи».
16.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.45 Парламент хабарномаси.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Трансросэфир: «Узоқ Шарқ». Телекўрсатув.
18.10 «Сиз яратган боғ».
18.40 «Сафсаталар».
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 Театр томошалари. «Летучая мишь» театр-кабаресида кеча.
20.30 Кичик кинозал. «Одессада қандай дафн этишади?». Қисқа метражли бадиий фильм.
20.40 «Ретро-эстрада».
20.50 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.30 «Бешинчи бурчак».
22.20 «Джентльмен-шоу».
22.55 Фристайл. Европа чемпионати ва кубоги. Могул.
23.25 «Джаз-клуб». «Молодой джаз» ансамбли чалади.

Пайшанба, 2. IV

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахборот.
8.25 «Саодат Қобулова куйлайди». Фильм-концерт.
8.45 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1-серия.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.35 Мактабгача тарбия масалалари.
11.15 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
18.30 «Замин саховати».
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Аждодлар мероси». Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний.
19.50 «Кекса санъаткорлар ҳузурида». Жалолхон Холиқов.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Наврўз-92» театрлар фестивали.
21.30 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
Ўқув кўрсатувлари

10.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. Амир Темур давлати.
11.00 «Регистон узра оҳанглар». Телефильм.
11.30 Ботаника. Ўсимликлар.
* * *
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Баҳор келганда». Телефильм.
19.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.
21.30 «Пульс». Хабарлар.
21.40 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 Мультфильмлар.
8.30 «Ўнг келган туш ёки чемодан». Бадиий фильм.
9.45 «Шов-шуви катта-ю...». М. Задорнов иштирокида дам олиш кўрсатуви.
*
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
12.05 «Ҳамма циркни севади». Екатеринбургдан кўрсатилади.
12.50 «Тоғларимиз ҳақида афсона ва ривоятлар». Телефильм.
13.10 «Ён дафтар».
13.15 «Телемикст».
*
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Бугун ва ўша пайтларда».
14.50 «Бир сафарли ҳайдовчи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
16.00 «Иккинчи қаватдаги сакизоёқлилар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
*
17.00 Янгиликлар.
17.20 «Эльдорадо».
17.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Кинопанорама».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
*
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 Л. Лешченконинг юбилей кечаси.
22.10 «Қон эвазига ислоҳот». Бадиий-публицистик фильм премьераси. 2-қисм.
22.50 Телефильм.
*
23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 Футбол. Уэмбли йўлида.
00.40 «Бир сафарли ҳайдовчи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
8.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
8.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
9.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Бенфика» (Лиссабон) — «Динамо» (Киев).
11.10 Кундузги сеанс. «Доминус». Бадиий фильм.
12.30 «Чумчуқча». Мультфильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.25 Трансросэфир: «Уларнинг қайтариб берилган исмлари». Сергей Нечаев.
16.05 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.20 Рус — Америка поп-гуруҳи ижросида Виктор Резников қўшиқлари.
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
17.35 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Бенфика» (Лиссабон) — «Динамо» (Киев).
19.15 «Ҳар бир кун байрам».
19.25 Махсус тижорат хабарномаси.
19.35 «Исроил ҳақида тушлар». 5-фильм. «Номаълум Исроил».
20.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.15 Эълонлар.
22.20 «Бешинчи ғилдирак» (давоми).

Жума, 3. IV

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон» ахборот.
8.25 «Ғўзаллик оламига саёҳат». Кинопрограмма.
9.25 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
9.50 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 2-серия.
10.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Шимолдан салом».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Аниқ соатлар ҳақида эртак», «Қуёш шуъласи». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Табиат шайдолари».
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 «Ёдномо». Шоир Аҳмаджон Долиев.
19.40 Тижорат канали: «Насаф» хизматингизда.
19.55 Ю. Ражабий номидаги мақом жамоасининг яккахони Маҳмуджон Йўлдошев куйлайди.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Маърифатнома».
21.40 «Наврўз-92» театрлар фестивали.
22.10 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШХОБОД КЎРСАТАДИ:
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 Муаллимлар клуби.
18.05 «Иқтисодиёт ва ҳаёт».
18.40 «Шекиллер». Нақшлар санъати ҳақида.
19.25 Дутор оҳанглари.
19.35 «Чори Аширов». Телефильм.
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.10 «Кичкинтойлар, сизлар учун».
20.25 Эълонлар.
20.30 Туркман тилини ўрганамиз.
21.00 «Ватан». Ахборот мусиқий кўрсатуви.
22.00 «Ғулки пурсади».
22.30 «Ўғил». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 Мультфильмлар.
8.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.10 «Кинопанорама».
10.25 Г. Свиридов. А. Пушкининг «Бўрон» повестига ёзилган мусиқий иллюстрация.
*
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
11.25 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.25 «Уз-ўзингга мадад бер».
13.15 «Ён дафтар».
13.20 «Бридж».
13.45 «Бизнес-класс».
*
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 Ф. Шопен этюдларини Л. Тимофеева ижро этади.
14.50 «Булутли уч кун». Телевизион бадиий фильм.
16.00 МДҲ телевидениеси болалар уюшмаси таништиради. «Менинг душманим — Арнольд Шварценеггер» (Екатеринбург), «ТВК» (Томск).
*
17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Ҳукумат: хайрихоҳ ва қарши».
17.55 «Леннеберглик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия — «Эмиль қандай қилиб каламуш овлади!» (Швеция).
18.20 «Волга эса Камага қуйилади...». Пермлик мусаввир П. Шардаков ҳақида.
18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
*
20.00 Янгиликлар.
20.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. Финал. 2 ва 3-даврлар.
22.00 «ВИД» таништиради: «Взгляд», «Музобоз», «Шоу-биржа», «Мусиқий соат». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
01.30 «Имтиҳон». Телевизион бадиий фильм. «Деррик» сериясидан.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
8.50 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
9.20 «К-2» таништиради: «Абзац», «3, 2, 1», «Гувоҳлар ҳузурида» кўрсатувлари. «Минг ўлиб, минг тирилган». Бадиний фильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
14.25 Фристайл. Европа чемпионати ва кубоги. Акробатика.
15.00 «Простор +».
15.30 Мураккаб ёш. «Тон-лабиринт». «Ун беш ёшли капитан».
16.00 Транросэфир: «Урал-ТВ».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Мансаб алифбоси».
17.55 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
18.10 «Версия».
18.25 «ХХ аср кадрда ва кадр ортида». Андрей Тарковскийнинг 60 йиллигига.
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Могиканлар». Гали Абайдулов режиссёр Александр Белинский фильмларида.
20.00 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
20.30 «Танаффус».
20.45 Парламент хабарномаси.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 Бизнинг экспертиза. Россия Федерацияси Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси. 2-кўрсатув.
22.30 «Бор эканда, йўқ экан». Бадиий фильм.
00.20 Тунги салон. Маданий дам олиш кўрсатуви. И. Клёнская олиб боради.

Шанба, 4. IV

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».
*
9.00 «Олтин занжир». Бадиий фильм.
10.25 Ургут ноҳияси 47-мактаб ўқувчиларининг чиқиши.
10.50 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга».
11.50 «Ўқитувчи-92» кўрик-танлови.
13.00 «Меҳр».
43.35 «Фильм S» ойномаси — студиямиз меҳмони. Кинокўрсатув.
14.05 «Наврўз-92» театрлар фестивалининг якуни.
* * *
18.00 «Шоирлар — болаларга».
18.30 «Дала юмушлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 Инглиз тили.
19.50 Чустий. «Индамаслар диёри».
20.20 «Улоқ». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.30 «Туркистон» ахборот.
21.00 «Ҳажнома». Видеофильм премьераси.
22.00 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1 ва 2-серия-лар.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 «Саван ва Муқим». Болалар учун спектакль.
10.50 «Ғаюровларнинг оилавий ишлари». Бадиий фильм. 1-серия.
* * *
17.50 Болалар учун фильм. «Доктор Айболит».
19.00 «Созу розн жавони». Мусиқий кўрсатув.
19.30 «Ахбор» (рус тилида).
19.40 «Маърифат».
20.30 «Ахбор».
20.50 «Наврўзи ажам». Байрам кўрсатуви (такрор.).

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 «Бегемот ва қуёш». Мультфильм.
7.45 «Назокат ва ёз ҳақида сюжет ўйлаб топинг...». «Муҳофаза ёрлиғи» туркумидан.
8.15 «Тадбиркор». Ишбилармон кишилар клуби.
9.00 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Марказ».
10.10 «ЭХ». Экологик хроника.
10.25 «Мусиқий дўкон».
10.55 «Инсон институти».
11.35 «Москва элегияси». Ҳужжатли фильм премьераси. Андрей Тарковский ҳақида («ЛСДФ»).
*
13.05 Янгиликлар.
13.25 Ф. Слидовкер ва А. Тафелнинг фильм-балетлари. «Телба».
14.20 «Зазеркалье». «Моара». Телевизион бадиий фильм премьераси («Телефильм-Кишинэу»).
15.40 «Қизил квадрат».
16.20 «ХХ аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафонининг якунларига доир.
16.50 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
17.15 «Бахтли тасодиф».
18.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Шляпали аёл». Бадиий фильм (Польша).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
*
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Саҳнанинг нариги томонида». «Владимир Сошальскийнинг сентиментал саёҳати».
21.25 Шеърият лаҳзалари.
21.40 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 «Чашмалар». Қадимий рус шаҳри Владимир вилоятидаги Гороховец шаҳри ҳақида.
7.40 Ўз ишининг усталари. «Шаламовни ўқинг...».
8.00 Баскетбол шарҳи.
8.30 Ҳужжатли панорама.
9.30 Русча стиль.
*
10.00—14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
*
14.00 Кундузги сеанс. «Пётр-нинг ёшлиги». Бадиий фильм. 1-серия.
15.10 «Танаффус».
15.25 «М-трест».
15.55 «Олтин шпора».
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 «Босконинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм.
17.50 Дягилев мавсумлари. Виолончелист В. Пергаменщиков чалади.
18.20 «Ҳар бир кун байрам».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Познер ва Донахью». АҚШдан ҳафталик кўрсатув.
19.40 «Севганингдан айрилма». Бадиий фильм.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.30 «Околесица» кабареси.
22.30 Петербург афсонаси. «Сенинг ҳузурингга борардим...». С. Надсон.

Якшанба, 5. IV

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахборот.
8.30 «Биргаликда куйлаймиз». «Чумолн» қўшиғи ўргатилади.
9.00 «Содиқ дўстим Санчо». Бадиий фильм.
10.20 Араб тили.
10.50 «Шеърият дафтаридан».
11.20 «Қувноқ стартлар». Навоий вилоятн «Кармана» ва Минск шаҳри «Пролеска» командаларининг учрашуви.
12.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тепабаши йилларим».
12.50 «Кабутарим». «Ўзбектелефильм» премьераси.
13.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Нефтчи» (Фарғона). Танаффус пайтида — «Ўзбекистон спорти».
14.50 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Рангинкамон».
15.50 Касблар ҳақида ҳикоялар.
* * *
18.00 «Бир кунн саҳрода». Мультфильм.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.30 Турк тили.
19.00 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).
19.20 Ислом маданнятн қўшиқлари.
20.10 «Ўзбекистон бойлиги». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахборот.
21.00 «Олтин бешик». Самарқанд вилоятига бағишланади.
22.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари.
10.50 «Ғаюровларнинг оилавий ишлари». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
БИШКЕК КЎРСАТАДИ:
18.05 «Чўқ». Мультфильм.
18.20 «Киргиз кенш».
18.50 Опера театрининг ёш якхахонлари куйлайдилар.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Баҳор келди...». (рус тилида).
20.40 «Сайра қомуз». С. Абдилдаев, Д. Касимов.
21.10 Кечки видеосалон.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.00 Руҳни чиниқтириш.
7.00 Ритмик гимнастика.
7.30 «Спортлото» тиражи.
7.45 Спорт ҳамма учун.
8.15 «Эрта саҳарлаб».
8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.25 «Тонг юлдузи».
10.15 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Ғўзалликнинг яратилиши» (Таиланд).
10.30 «Пи» белгиси билан.
11.20 «Илтимос, ғийбат қилманг ёки В. Маяковский ҳақида янгилик».
12.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
12.50 «Бош муҳаррирлар клуби».
13.30 Янги авлод танлайди.
14.20 «Парнас сари бир босқич».
14.50 Хоккей. МДҲ чемпионати. Финал. 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида — Янгиликлар.
16.30 «Саёҳатчилар клуби».
17.20 «Уолт Дисней таништиради...».
*
18.10 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 «Телепоция».
18.40 «Ким биз билан!». 6-кўрсатув.
19.00 Якшанба кинопрограммаси. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ёлланган полициячи». Бадиий фильм (АҚШ).
*
21.00 «Якунлар».
21.45 «Қиёфадошлар театри».
23.00 «Астра» таништиради: «Тунги казино». «Эҳ, водевиль, водевиль». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 «Гувоҳлар ҳузурида юзма-юз». И. Шведова.
8.05 «Ишбилармон аёл».
8.35 Вариацияли мавзу. «Итальянча уй фонидаги лирика». 2-кўрсатув.
9.05 «Хоҳ ишонинг». Савдосотиқ тарихига бағишланган телевикторина.
9.35 Параллеллар. «Нурли ғорда».
10.00 «Суперкитоб». Мультфильм. 7-серия.
10.25 «Ати-бати...». «Ватан учун, эътиқод учун».
10.55 Телеассамблея.
11.40 «Эскулап».
11.50 Кундузги сеанс. «Пётр-нинг ёшлиги». Бадиий фильм. 2-серия.
*
13.00—17.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
*
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати.
18.25 «Ҳаҳиқат онлари». Андрей Караулов саволларига Майя Плисецкая жавоб беради.
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Афсунгарлар». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 5-фильм. «Кичик эълон».
20.00 «Саҳнада цирк».
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Масхарабоз». Бадиий фильм.
23.05 «А» программаси.
00.05 «Рок-ҳаҳвахона».
00.35 «Учинчи бўласанми?». Ёзувчилар М. Мишин ва А. Кабаковларнинг ВГТРК бош директори А. Г. Лисенко билан суҳбати.

«Тошкентдан ғаҳрамона ва кўрсатамиз» рўзномасининг 27 март сонидан олинди.

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-18. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00 30579 нусха босилди.